

Дунёдаги бошка юртлар катори кўхна Мовароуннахр тупрогида хам канчадан канча хокимлар, подшохлар ўтган. Бу юртда хукмронлик килган подшохларнинг асли туб ахолидан бўлганлари ичида Сохибқирон Амир Темурдек забардасти, шухратлиси, кенг ва кудратли, кўркам ва давомли давлатга эга бўлгани йўк. Шунингдек, Амир Темурдек ноҳак равишда кўп танкидга учрагани, оркасидан сўкиш эшитгани, турли салбий сифатлар билан сифатлангани хам бўлмаса керак. Амир Темурнинг тугилганига 660 йил тўлиши муносабати илиа ёзилаётган ушбу маколада биз у кишининг кенг ва кудратли хамда кўркам ва давомли давлат сохиби бўлишининг баъзи сабаблари хакида тўхтамокчимиз.

Асосий максадга ўтишдан аввал кискача бўлса-да, турли салбий сифатлари билан сифатланишига сабаб бўлган баъзи омиллар хакида фикр билдирайлик. Аввало, шуни айтиш керак-ки, Амир Темур ўз замонасининг одами бўлган, ўша вактдаги хукм учун курашганлар ўйлаган ўйларини ўйлаган, айтган гапларини айтган, килган ишларини килган.

Киска килиб айтганда ўзи яшаган замон таомилига кўра иш кўрган. Эҳтимол, ушбу таомилда бошкалардан устун бўлгани учун кўпчилик замондош подшохлар устидан голиб келгандир. Хамма уруш килганидек, Амир Темур хам уруш килган, лекин урушни бошкалардан кўра яхширок килгани учун кўпроқ галабага эришган. Амир Темур хам бошка подшохларга ўхшаб, ўзига карши кўтарилган исёнларни шафкатсиз равища бостирган, бу ишда балки бошкалардан кўра каттиккўлрок бўлгандир. Амир Темурнинг бошка тасарруфтларини хам шунга таккослаб чикиш мумкин. Лекин, нима учун бошкалардан кўра Амир Темур кўпроқ танкид килинган? Нима учун уни дунёдаги энг вахший, энг конхўр, энг золим подшохлардан бири сифатида таъриф килиб келинган? Албатта, бундай бўлишининг ўзига яраша омиллари бор. Эҳтимол тарихчиларимиз бу саволларга атрофлича жавоб берарлар.

Бизнингча, бундай бўлишининг сабабларидан бири-Амир Темурнинг араб ерларига килган юришлари хамда Усмонли турк султони Боязид Йилдиримни енгиб, асир олишидир. Ўша даврда бу икки тараф, яъни араблар ва усмонли турклар ўзига хос ташвикот марказлари бўлиб, дунёга хохлаган фикрларини ёйиш, таргибот килиш имконига эга бўлганлар. Амир Темурдан зарба еган бу икки тараф уни мадх эта олмасликлари табиий эди. Шунинг учун хам араб ва усмонли турк тарихчилари ўша кадим замонлардан тортиб хозиргача Амир Темурни сўкиб, танкид килиб турли салбий сифатлар билан сифатлаб келмоқдалар. Ушбу икки тарафнинг ўша пайтлардаги фикрий дунёда тутган ўрни ва роли жуда хам катта эди. Айнан шу омил дунёда Амир Темур хакида салбий фикрларни кенг таркатишга сабаб бўлган омиллардан бири бўлса ажаб

эрмас. Адолат юзасидан айтиш лозимки, турк тарихчилари охирги даврда бу ишга анча чек кўйдилар.

Овруподаги буюк уйгонишдан кейин шарқ хамма нарсада гарбга карам бўла бошлади. Хар бир нарсада гарбнинг айтгани айтган, дегани деган бўладиган бўлди. Харбий, сиёсий устунлик самараси ўларок маданий ва илмий соҳада хам Оврупо устунлиги бошланди. Жаҳонгир Амир Темурнинг юрти Мовароуннахр Рус истилоси остида колди. Рус истилоси ўз кўл остидаги юртларни паст, халкларни колок хисоблаш асосида иш олиб борди. Руслар хеч качон, биз кечагина хеч гап эмас эдик, энди сафга кўшилиб колдик, дея олмас эдилар. Балки, ўз мустамлакаси бўлганларга, сиз хеч ким эмассиз, биз сизларга илм-маърифат, фан-маданият ўргатгани келдик, дейишарди. Улар бу даъволарининг пуч эканлигини яшириш максадида тарихни бузиб кўрсатишга зўр берар эдилар. Ўз навбатида бу иш, Мовароуннахрнинг исломий тарихини бузишига, сохталашибириб, колок килиб кўрсатишга харакат килишарди. Мовароуннахр тупрогидан чиккан буюк давлат арбоби, муҳташам императорлик асосчиси сифатида Амир Темур шухрати мустамлакачиларга тинчлик бермаслиги турган гап эди. Шунинг учун хам, улар Амир Темурни коралашда, ёвуз, маданиятсиз, йирткич, одам ўлдиришдан бошкани билмайдиган шахс сифатида кўрсатишда хеч нарсадан кайтмадилар.

Чор Россияси ўрнини олган большовой мустамлакачилар динни халклар афюни, деб элон килдилар. Динга bogлиq хамма нарсани заарли, дедилар. Диндор бўлган одамларни эси паст, дедилар. Шу билан, Ислом асосида дунёга донг таратган Мовароуннахр маданияти, давлатчилиги, буюк шахслари, жумладан Амир Темур ва унинг ишлари хам афюн, колоклик, даҳшат деб васф этила бошлади. Бора-бора юртимизга тегишли хар бир нарса эскилик саркити, колоклик, маданиятсизлик, деб элон килинди. Ўзимиздан чиккан соткин коммунистлар ташаббуси или маданиятимиз асоси-харфларимиз хам колоклик сабабчиси, деб рус харфларига алмаштирилди. Карабсизки, бир кунда асрлар давомида дунё маданиятида пешкадам бўлган бутун бошли бир аслзода халқ саводсиз, деб эълон килинди. Ўз тарихидан ажради. Энди, бу шўрли “саводсиз” халқ, ўзининг “илми” акасидан илм ўргана бошлади. Жумладан, ўз тарихини хам янгитдан мустамлакачи талкин асосида ўргана бошлади. Коммунистлар хеч качон Амир Темурни хакикий васфини килмас эдилар. Дунё тарихида уларчалик тарихни бузганлар бўлмагани бугунги кунда хеч кимга сир эмас. Улар хамма нарсани, жумладан Амир Темурга тегишли тарихни хам хохлаганча буздилар.

Менимча, Амир Темур тўғрисидаги хакикатни яшириб, ноҳакликни тарагалишида асосий айборлар унинг меросхўрлариридир. Минг афсуслар бўлсинким, Сохибқирондек улуг кишиларни етиштириб чиқарган бу юртнинг кейинги авлоди, ўз аждодларига муносиб фарзандлар бўла олмадилар. Бу нобоп фарзандлар ўзларининг буюк аждодларини етарли даражада авайлаб-асраб, эзозлай олмадилар. Уларни хеч бўлмаса, душманларнинг фикрий хужумларидан, бўхтон-тухматлардан химоя кила олмадилар. Бу хам етмаганидек Совет даврига келиб мовароуннахрликларнинг ўзлари душманларига кўшилиб олиб ўз ўтмишига, тарихига, буюк аждодларига, жумладан Сохибқирон Амир Темурга тош ота бошладилар. Улардан баъзилари Герасимов, Вияткин каби мустамлакачи олимларга шогирд тушиб, уларнинг атрофларида гирдикапалак бўлдилар. Сохибқиронни хакорат килиб, гўрини очишганда кетмон ва белкуракларни тутиб астойдил ишладилар. Амир Темурни бемехр, шафкатсиз шахс киёфасида сувратини чизишганда бўёкларини ушлаб турдилар ва хурсанд бўлиб чапак чалдилар. Устозларидан ўрганган уйдирмаларга ўзларидан турли ёлгон-яшикни кўшиб чатиб

Муаллиф:

28.04.2010 00:34 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

сафсата сотдилар.

Ўн олтинчи асрдаёк буюк инглиз драматурги Киристофер Марло томонидан “Сохибкирон Темурман” трагедияси ёзилиб, Лондонда хар йили театр мавсуми шу асар билан бошланиши одат бўлганига карамай, ўзимизда Буюк ватандошимизни ёмонлаш билан овора бўлинди. Хатто, Иброҳим Мўминовдек гайратли олимнинг, марксизм, ленинизм мағкурасини мукаддима килиб, Амир Темурни Оврупони икки марта хужумдан саклаб колган килиб сифатлаб, унинг хакида илик сўз айтиши хам мустамлакачиларга ёкмади. Улар ўзимиздаги думлари ёрдамида И. Мўминовни тазикка олдилар.

Худди, ана ўша соткинлар “Гулистон” журналида “Темур тузиклари” чоп этила бошлаганда, Сохибкиронга карши янги хужум уюштирилар. Асарнинг таржимони мархум Алихон тўра Согунийга тухматлар килдилар. Таржимани уюштиришда, уни “Гулистон” журналида чоп килишда жонбозлик кўрсатган ёзувчи, мархум Рустам Раҳмонни ва таҳририятнинг бошка аъзоларини кувгин килишди. Бугунга келиб ўша шаввозлар Сохибкирон Амир Темур маддохларининг биринчи сафида турибдилар. Улар худди 20-30 ийл мукаддам хеч нима юз бермагандек, ўзларини фидойи килиб кўрсатмоқдалар. Улар гўё Сохибкирон шаънига лой чапламаганлар, гўё халол тарихчи олимлар йўлига тўгонон кўймаганлар. Замон ўзгариши билан улар устиларига кўй терисини ёпдилар. Бу хам етмаганидек, “Сохибкирон Амир Темур тарихини факат мен яхши биламан”, деган даъво билан яна бошка олимларни бу соҳадан суришга уриндилар. Лекин илмий омонат маддохлик эмас, хакикатни талаб килади. Бугунги кунда бир думалаб маддохга айланиб колиш хам илмий омонатга хиёнат бўлади. Балки, омонатга хиёнат килмай, илмий асосда, хужжат ва далилларга суюнган холда тарихни тўгриликча тахлил кilmok kerak. Жумладан, Амир Темурга хамда у курган давлатга ана ўша асосда баҳо бериш лозим. Мутахассислар бу вазифани аста-секин бажарадилар, деган умиддамиз. Зотан хозир бу муҳим ишнинг бошлангич боскичида баъзи илмий баҳслар пайдо бўлмоқда. Мулоҳаза килинишича, ана ўша баҳсларда Амир Темурнинг хаёти ва фаолиятидаги турли кирраларни ёритишга харакат бўлмоқда. Аммо, энг муҳим нарсалардан бири-Сохибкироннинг Ислом динига бўлган bogланиши ва ундан келиб чикадиган тахлиллар хакидаги баҳслар келажакка колдирилаётганга ўхшайди. Биз энди ана ўша муҳим мавзу хакида сўз юритмокчимиз.

Амир Темурнинг Исломга bogланиши ва шахсияти

Сохибкирон Амир Темурнинг хаёти ва фаолиятини тўлалигича ўрганиш, тахлил килиш юртимиз тарихидаги, энг муҳим боскичлардан бирини ўрганиш ва тахлил килиш демакдир. Чунки, Амир Темур юртимизнинг асл фарзанди ўларок энг катта шуҳрат козонган подшоҳ хисобланади. У курган давлат Мовароуннаҳр еридаги энг катта, энг кувватли ва марказлашган хамда ривожланган давлат хисобланади. Албатта бундай шахс ва давлатнинг тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Ўз ўзидан “Амир Темурга кайси омилларга суюнган холда бундай салтанат куриш насиб этди, экан?” деган савол пайдо бўлади. Маълумки, хар кандай давлатнинг асосини хоким билан махкум, яъни, подшоҳ билан фукарор орасидаги алока ташкил килади. Ўз фукароларининг

Муаллиф:

28.04.2010 00:34 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

мехру-мухаббатини козонган, уларнинг хурмат ва эзозига сазовор бўлган подшохгина мухташам ва хар тарафлама ривожланган салтанат куриши мумкин. Албатта фукароларнинг меҳру-мухаббатини факат уларга зулм ўтказиш, уларни доимий кўркинчда ушлаб туриш ёки аскарий куч хамда мишибу жаллодлар ёрдамида козониб бўлмайди. Бунга замон ва маконлардаги кишилар иттифок килгандар. Фукароларни рози киладиган подшох бўлиш учун уларнинг руҳий холатига, дунё карашига, эътиқодига, инсонларни, хусусан хокимларни баҳолашдаги кўядиган талабларига жавоб бера оладиган шахс бўлиши лозим. Сохибқирон Амир Темурнинг Мовароуннахрдек кадимдан Ислом юрти бўлиб келган заминда, унинг ўз дини билан фаҳрланиб келган мусулмон ахолиси билан хамкорликда, ўша даврнинг табири билан айтганда, етти асосий омиллардан бири Ислом омили эди, десак муболага бўлмас. Бу фикрни хакикатга якин ёки ундан йирок эканини билиш учун Амир Темурнинг хаётида Исломнинг тутган ўрнига мухтасар назар ташлаб чикайлик.

Амир Темурни отаси маҳалладаги бошлангич мадрасага берганда у энг ёш талаба эди. Лекин, ёшлигига карамай акл закавоти ва ўткир зехни билан хаммадан ажраб турар эди. У берилган вазифаларни зудлик билан ёдлаб олар, мударрислар томонидан берилган саволларга хаммадан кўра пухтарок ва аклийрок жавоблар берар эди. Мударрислар унинг аклига, ўткир зехнига койил колишар эдилар. Улар Темурнинг отасига, ўглингиз бизда бор илмни олиб бўлди, энди уни биздан кўра пешкадамрок устозга беринг, деб маслаҳат беришади. Амир Темур жуда ёш чогида, уч йилда Куръони Каримни тўлик ва пухта ёд олди. У Аллоҳнинг китобини шу даражада ёд олдики, хозиргача Амир Темур килган тажрибани бошка одам кила олган эмас. Амир Темур хар бир сурани аввалидан охиригача бехато ўқиганидек, охиридан аввалигача хам, яъни тескарисига хам бехато ўкир эди. Бу иш хеч ким томонидан рагбатлантирилмаса хам, Сохибқироннинг канчалик пухта кори эканини кўрсатиб турувчи далиллар. Кадимдан корилар мусулмонлар оммаси томонидан канчалик эзозланиши хаммага маълум. Энди ўша эзозга сазовор кори, давлат бошлиги бўлса, халкнинг унга бўлган хурмати канчалик бўлишини билиб олавериш мумкин.

Амир Темур факат Куръони Каримни ёдлабгина колмай, балки унинг маъносини хам жуда яхши билар, бошка илмларни хам пухта эгаллаган эди. Айникса, фикх илмида шухрат козонган эди. Бу эса, ўз навбатида унинг обрўсига обрў кўшар, халк оммасининг у кишиига бўлган иззат, эҳтиромини яна хам ортдиради.

Энг муҳими, Амир Темур оғзида эмас, хакикатда, гапда эмас, амалда чин мусулмон эди. Унинг ўзи мустахкам исломий акийда сохиби бўлиши билан бирга, бошқаларнинг хам бу акийдага путур етказишга йўл кўймасликка харакат киларди. Амир Темур машхур шоир Хофиз Шерозийни кўпчилик ичиди, илмий мажлисда, баъзи байтларини ўкиб, акийдага зарарли эканини айтиб, танкид килгани маълум ва машхур. Бу эса, Амир Темурга мусулмон шахс, олим сифатида вазифа бўлса, подшох сифатида хам вазифа, хам обрў келтиради, халк оммасининг унга бўлган мухаббати, эҳтироми ва итоатини ортдиради эди.

Аввал айтганимиздек, Сохибқирон оғзида эмас, амалда мусулмон эди. У мусулмон шахс сифатида диний таклифларни тўлик адо этарди. Амир Темурнинг олим эканини, диний талабларини ўз шахсида амалга оширишини унинг ашаддий душманлари ва танкидчилари хам тан оладилар. Уларнинг такидлашларича, Сохибқирон вактида намозини ўкиб, рўзасини тутар, ёлгон сўзламас, харом ичкилик ичмас, харом юрмас, аҳдини бузмас эди. Амир Темур ўз хаётининг энг танбанлик билан ўтган даврида, айшу ишратга берилган деб васф килинган пайтида хам шариатга хилоф иш килмаган. Албатта Ислом динининг

Муаллиф:

28.04.2010 00:34 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

хукмларига амал килиш или Амир Темур аввало ўзининг бандалик бурчини адо этар, Аллох таоло томонидан шох бўлсин, гадо бўлсин хар бир бандага фарз-вожиб этилган амрларни бажарап эди. Шу билан бирга бу исломий сифатлар унинг халқ ўртасида обрўсими ортдирар, хукмини мустахкамлашга омил бўларди. Мисол учун намозни олиб кўрайлик. Мусулмон жамиятида бенамоз амалдорлар мусулмонлар оммаси томонидан хеч кандай иззат эҳтиром топа олмаган. Рўза хам худди шундай. Рўза тутмайдиган шахс мусулмонларнинг эътиборини козониши мумкин бўлмаган.

Ёлгон гапириш эса, нафакат мусулмонлар, балки барча бошка халкларга хам ёкмаган. Ёлгончилик хамма замонларда, хамма маконларда, хамма халклар томонидан ёмон кўрилган сифатдир. Бу сифат ўз сохиби шох бўлсин, гадо бўлсин обрўсими туширган. Айникса, эл-юрт ичида мартабага, обрўга эга бўлган кишиларнинг ёлгон гапиришлари алоҳида нокуладилек тугдирган. Ёлгончилик сифати, айникса мусулмонлар орасида каттик кораланган. Мусулмонлар ичида “Ёлгончи-Худонинг душмани”, деган гап кадимдан бўлиб келган. Ёлгончилик Сохибиров ёд олган Аллохнинг каломи Куръони Каримда кайта-кайта танкид килинган. Пайгамбаримиз томонидан каттик кораланган. Шунинг учун хам Амир Темур мусулмон шахс сифатида ёлгон гапирмаган. Бу унга гунохни четлашда ёрдам бериши билан, халқ оммаси ичида обрўсими ортдирган, дўсту-душманнинг унга бўлган эътирофини кучайтирган.

Харом ичкилик ичиш ва харом юриш, яъни зино хам шунга ўхшаш, хамма томондан кораланади. Хатто, бу нарсалар харом хисобланмаган халклар ичида хам, давлат бошликларининг бу ишларга кўл уриши каттик коралаган. Шунинг учун хам мазкур ишларни килганларнинг халқ ўртасида обрўси тўкилган. Ислом шариатнинг бу икки ишни катъиян харом килгани хаммага маълум ва машхур. Шундан келиб чикиб, кадимдан мусулмонлар ичида майхўр ва зинокорларга тахкирлаш назари билан каралган. Уларга обрў-эътиборга эмас, жазога сазовор шахслар сифатида муносабатда бўлинган. Ахдга вафо килмаслик хам хеч кимга, хеч качон обрў келтирмаган. Бу ёмон сифат айникса мусулмонлар орасида, каттик кораланади. Чунки, Куръони Каримнинг, Пайгамбар саллоллоҳу алайхи васаллам суннати мутаххараларининг хукми шу. Албатта, харом ичимликлар ичмаслик, харом юрмаслик ва ахдга вафо килиш сифатлари Амир Темурнинг ўз фукаролари олдида обрўсими хаддан зиёда оширап эди. Биз Сохибировнинг кўпчилик тарихчилар томонидан эътироф килинган баъзи исломий сифатлари хакида тўхталдик. Бу бошкалар катори Амир Темурдаги яхшилик сифатлар хам унинг дини Ислом туфайли эканини кўрсатади. Бу билан биз Амир Темур айбиз эди, унинг шахсияти факат баркамол сифатлардан иборат эди, демокчи эмасмиз. Лекин, у кишининг дўсту душманлари эътироф килган сифатларини Пайгамбаримиз саллоллоҳу алайхи васалламнинг: “Вафот этганларингизнинг яхши сифатларини эсланг”, деган хадисларига амал килиб эсламокдамиз. Шу билан бирга Сохибировнинг хукмдаги муваффакиятларида ушбу сифатлар асосий омил бўлганлигини таъкидлаб ўтмокчимиз. Чунки шахсий сифатлар хар бир нарсада таъсирили экани хаммамизга маълум.

Амир Темур ва унинг жамиятдаги исломий алокалари Сохибиров Амир Темур Исломни факат шахс билан Аллох орасидаги яширин алока деб карамаган. Балки, у Ислом ижтимоий алокаларида хамма нарсадан устун туриш лозим эканлигини яхши тушинган. Шунинг учун у киши, ўз якинларини, фукароларини доимо Исломни ўрганишга, унга амал килишга чакирап эди. Бу маънода Амир Темур ўзига яраша, подшох-даватчи эди. Сохибировнинг фарзандларига, якин кишиларига Ислом динини тинмай ўрганиш, унга амал килиб яшаш зарурлиги хакидаги насиҳатларини тарихчилар кўплаб келтирадилар.

Муаллиф:

28.04.2010 00:34 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

Шунингдек, у киши ўз амалдорлари, аскарлари ва фукароларини хам шунга даъват килар эди. Биргина мисол келтирайлик. Бир куни, сахрода харбий машк ўтказилаётганида кор ёгиб колади. Машкларни тўхтатишга тўгри келади. Шунда, Амир Темур ўз одамларини чодирга тўплаб туриб, ким Куръони Каримдан кор хакидаги оятни топиб берса, бир микдор олтин мукофот беришини эълон килади. Одамлар чодирларга таркалиб, кун бўйи Куръон ўкиш билан овора бўладилар. Сўнг Сохибкирон уларни кайта тўплайди ва Куръони Каримга алоҳида эътибор ила ёндашмасликда танкид килади. Куръони Карим иссик, кор ёгмайдиган ўлкада нозил бўлгани учун унда кор хакида оят бўлиши мумкин эмаслигига эътибор бермаганларини эслатади. Уларни Куръони Каримга, Ислом динига ихлосини кучайтиришга чакиради ва турли диний саволларига жавоб беради.

Амир Темурнинг жамиятдаги исломий алокалари хакида гапирап эканмиз, Ислом динида айнан шу алокаларни ривожи учун жорий килинган жамоат ва жума намозларига бўлган муносабатини айтиб ўтишимиз лозим. Сохибкирон доимо жамоат намозидан колмасликка харакат килар эди. Худди шу максадда доимо ўз юришларида кўчма масжид олиб юрар эди. Каерга бориб турсалар, маҳсус кишилар дархол ўша кўчма масжидни ўрнатишар ва хамма бирга Амир Темур бошлигига жамоат билан намоз ўкишар эдилар. Сохибкирон ўз сафарларидан бирида Бишравейх номли шахар билан танишиш учун ўша ернинг раҳбари Хусайн ибн Исҳок билан юрган пайтида намозга аzon айтилади. Хусайн ибн Исҳок бориб жамоат билан намоз ўкиб келишга изн сўрайди. Шунда Амир Темур мен хам жамоат билан намоз ўқийман, деб бирга жўнади.

Бошка бир жойга жума куни борилади. Жума намози якинлашишига карамай одамлар кўринмаётганини сезган Сохибкирон таажжубга тушиб, ўша ернинг диний раҳномасини олиб келишга амр килади. Салла кийган бир кишини олиб келадилар. Амир Темур ундан, ахоли кайси динга этикод ва амал килишини сўрайди. У одам мусулмончиликка, деб жавоб беради. Амир Темур, “намоз ўқийсизларми?”, деб сўрайди. У, “ха ўқиймиз” дейди. Амир Темур, “буғун Жума, аммо хеч ким кўринмайди, нима, Жума намози ўқимайсизларми?”, дейди. Халиги одам “хар ким ўз уйида ўқийди”, деб жавоб беради.

Шунда Сохибкирон гап нимада эканлигини тушуниб етадида, халиги одамни дин оркали корин тўйгизиши одат килиб олганликда айблаб, анча койииди. Аллоҳ Жума намозини жамоат билан ўкишга амр килганини айтиб, Куръони Каримдан бу хакидаги оятни ўкиб тушунтиради ва аzon айтдириб, ўзи одамларга Жума ўкиб беради. Албатта, бунга ўхшаш ишлар ва тасарруфлар Жаҳонгир сultonнинг обрў, хурматига хурмат кўшар ва мусулмон халкнинг ишончини яна хам кўпроқ козонишига сабаб бўлар эди.

Амир Темурнинг жамият ва фукаролар билан алокасининг асосий кисми уламолар оркали бўлар эди. У киши уламоларни хаддан зиёд хурматлар эди. Номи уламо бўлса, ўзига яраша тақдирлар эди. Бу борада амирнинг ўзлари амал килган ахли сунна ва жамоа мазхаби уламолари бўлиши шарт эмас эди. Шийа, рофизий мазхаблари хатто насроний ёки бошка динларнинг уламоларини хам тақдирлар эди. У киши Султония насралари бош роҳибини ўз хузурига чорлаб меҳмон килгани, Роҳиб унга каттик гап сўзлар айтиб кўпчилик орасида беодоблик килса хам хурматини жойига кўйгани маълум ва машхурдир. Амир Темур уламоларни зиёратини канда килмас, уларга сахийлик билан мукофот ва хадялар берар эди. Каерга борса, машхур ва ўзи китобини ўкиган уламоларнинг вафот этганлари бўлса, кабрини хам зиёрат килар эди. Сохибкирон томонидан уламоларнинг эҳтиром килишининг яна бир кўриниши, уруш бўлган жойларда яшайдиган уламоларнинг уйига киргандарга омонлик берар, уларга тегмас эди. Амир

Темур олим киши сифатида ўз давридаги китобларни ўкиб ва тахлил килиб борарди. Ана ўша ўзи китобини ўқиган уламоларни тирик бўлсалар хам, ўлик бўлсалар хам хурматларини жойига кўярди. Бир вактлар шайх Мухаммад Шабистонийнинг китобини ўқигани учун, айбордor бўлсалар хам унинг юртдошларига тегмади ва юртини вайрон килдирмади. Сохибикрон Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сини хам ўқиган эди. Унинг юргига борганда каровсиз колиб кетган кабрни излаб топиб зиёрат килади. Буюк жаҳонгир Амир Темурнинг уламоларга бўлган бундай муносабатлари у киши олим бўлгани учун, зар кадрини заргар билади, маъносидаги тасарруфигина эмас эди. Мусулмонлар оммаси ичида уламоларнинг обрў эътибори хаммага маълум. Оддий мусулмонлар хамма нарсадан кечиб бўлса хам, уламоларнинг хурматини килади. Доимо уларнинг фатвоси ва гапи илиа иш кўради. Шу маънода уламолар эътиборини козонган хоким учун халкнинг иззат-эхтиромига сазовор бўлиш осондир. Амир Темур ана шу омилдан унумли фойдаланаарди.

Сохибикрон каерга борса, албатта ўша ернинг уламоларини тўплаб, илмий мажлис ўтказарди. Уларга турли саволлар бериб, илмий савияларини синаб кўтар, долзарб масалаларини мухокама килар эди. Деярли хар бир мажлисидан уламолар Амир Темурнинг илмига, ақл-заковатига, одобига ва уламоларнинг таъсири бор хамма жойларда Амир Темурнинг обрўсини янада ошишига, ўша ердаги халкларнинг У кишига мухаббатини мустахкам бўлишига олиб келар эди.

Буюк Жаҳонгир, улкан империя сохиби, катта олим Амир Темур камтарин инсон хам эди. У илмий музокароларда ўзи билмайдиган масала чикиб колса, ёки фикрнинг нотўгрилиги аён бўлса, дархол кабул килар, хак йўлни танлар эди. Хуросоннинг Бишравейх деган жойида намозга аzon айтилганда одамлар кийимларини алмаштириб, яхисини кийиб масжидга кетаётганини кўриб, бир дўкондордан, "нима учун бундай килаяпсизлар?", деб сўрайди. Шунда у киши: "Эй Амир, биз Аллохнинг "Аъроф" сурасидаги (31-ояти)га амал килаяпмиз", дейди. Сохибикрон имтихон килмокчи бўлиб у кишидан оятнинг маъносини сўрайди. Дўкондор оят маъносини тўгри айтиб беради ва Аллоҳ ушбу оятда, бизларга "хар масжид хузурида зийнатингизни олинг", демокда бу намозни гўзал холатда ўқинг, дегани, биз шунга биноан кийимларимизни алмаштиrmокдамиз", дейди. Амир Темур, мен хофизи Куръон бўлсан хам, факих бўлсан хам буни мулохаза килмаган эканман, энди кароргохга бориб кийимларимни алмаштириб келай, дейди.

Амир Темур Дамашқда ўша вактниг машхур уламоларига таклиф юбориб, катта йигилиш ўтказди. Бу йигилишда ўша даврнинг атокли олимларидан, Имодиддин Магрибий, Сирож Искандарий, Баҳоуддин Ҳалабий, Инб Ҳалдун, Низомиддин Шомий ва Арабшоҳ кабилар катнашадилар. Амир Темур йигилиш аввалида уламоларни кутлаб, уларнинг хар бирига алоҳида саволлар бериб синаб кўради. Сўнгра асосий масалага кўчиб, Куръони Карим оятларини нозил бўлиш тартибиغا кўра кайта ёзиб чикишни таклиф килади. Уламолар бу масалани бир неча кун баҳс килишиб, охири хозирги тартибни ўзгартириб бўлмайди, деган карорга келишади ва буни охирги йигилишда Амир Темурга етказишади.

Сохибикрон ўз фикрини кувватлаб уламолар билан тортишади. Кейин эса уламоларнинг гапларидан коникиш хосил килиб, ўз фикридан кайтади ва Куръон оятлари тартиби доимо ўз холида колажагини хаммага эълон килади.

Бундай тасарруфлар албатта Амир Темурнинг обрўсига обрў кўшар, мусулмонлар оммасининг унга бўлган мухаббатини зиёда килар эди. Шубҳасизки, юкорида зикр этилган нарсалар Амир Темурнинг давлатчилик борасидаги улкан ютукларига асосий омил бўлгандир.

Амир Темур ва Исломий хукм

Шубҳасиз, Амир Темур курган давлат соф исломий давлат бўлган эмас. Соф исломий давлат тўрт халифалар даврида ва юзинчи хижрий йилларда киска муддат халифа бўлган Умар ибн Абдулазизнинг даврида бўлганлиги Ислом оламида маълум. Ундан кейин бу давлатнинг соф исломийлиги бузилиб, оиласи мулкка, меросхўрликка айланган. Вакт ўтиши билан кўпроқ бузилиб бораверган. Ўз замонасининг одами сифатида Амир Темур хам ўзи курган давлатда ўша замоннинг услубларидан фойдаланади. Шу билан бирга ўша давр таомули ва ўз илмига биноан исломий омиллардан хам фойдаланади. Унинг салтанатининг муваффакиятларида айнан ушбу исломий омиллар асосий рол ўйнаган бўлса ажаб эрмас.

Амир Темур Исломнинг хамма динлар ва тузумлардан устун эканлигига тўла ишонган мухлис инсон эди. У бу маънода, хамма мазхаблар-динлар хам бир, деган Жалолиддин Румийни танкид килади. Таассуб жихатидан эмас, илмга ва тажрибага суюнган холда Исломнинг устун эканлигини таъкидлайди. Сохибқироннинг фикрича, Ийсовий мазхаб-яъни хиристиан дини факат охиратга эътибор беради. Мусовий мазхаб-яъни яхудий дини, эса факат бу дунёга эътибор беради. Ислом эса, хам бу дунёни, хам у дунёни ўз ичига олгандир. Шунинг учун хам у киши Исломга кўлидан келганича амал килишга харакат килади.

Аввало, Амир Темур эътиқод масаласида махкам туради. Ахли суннат ва жамоат акийдасини махкам тутар, турли бузгунчи фикрларни каттик коралар эди. Сохибқирон ўз юришлари давомида дуч келган турли динларга эътимод килувчилар билан гаплашар, уларнинг эътиқодлари хакида сўрар ва хатоларини баён килар эди. Турли бузук мазхабларга нисбатан хам шундай йўл тутар эди. У киши эътиқодни соф бўлиши, турли бидат-хурофотлар бўлмаслиги тарафдори эди. Бунга бир мисол келтиришимиз яхшидир.

Амир Темур Шерозга юриш килганда у ернинг амри Султон Шоҳ Мансур Музаффарий, шахардаги эски масjidга кириб олиб Амир Темур устидан голиб бўлишини тилаб ўтираверади. Сохибқирон эса унинг юртини эгаллаб олади ва бу тасарруфини танкид килади. Амир Темурнинг фикрича факат дуо билан иш битмайди. Агар факат дуо билан иш битадиган бўлса, Пайгамбаримиз саллоллоҳу алайхи васаллам дуо билан иш битирар эдилар. Аммо, У зот саллоллоҳу алайхи васаллам дуо килиш билан бирга аскар тўплаб, совут кийиб, килич калкон олиб жангга кирганлар.

Амир Темур ўз тасарруфларини Куръони Карим оятлари ва Пайгамбаримиз саллоллоҳу алайхи васалламнинг суннатлариiga тўгри келган жойларини эслатиш билан Куръон ва суннатга мувофик иш кўришга харакат килганини баён килади. Амир Темур урушлардан бирида, ким шайх Хисомиддин Сазаворийнинг уйига кириб олса, омон колади, деган амрни чикарди. Мазкур шайх Хисомиддин Сазаворий шийа бўлган. Сохибқироннинг унинг уйига кирганлар омон бўлади, дейиши эса Шайх учун катта обрў эди. Табиийки, ўша давр ўлчовига кўра, бир шийа одамга нима учун шунчалик хурмат, деган савол пайдо бўлади. Амир Темур буни Пайгамбаримиз саллоллоҳу алайхи васалламнинг килган ишларига мослаб килганлигини баён килади. Пайгамбаримиз саллоллоҳу алайхи васаллам Маккаи Мукаррамани фатҳ килган кунлари, ким Абу Суфённинг уйига кирса омон колади, деб

Муаллиф:

28.04.2010 00:34 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

эълон киладилар. Абу Суфён ўша пайтда мушрик-кофир эди. Шундай бўлса хам Пайгамбаримиз саллоллоху алайхи васаллам уйини омонлик жойи деб эълон килдилар. Мен, бир шийа одамнинг уйини омонлик жойи десам нима бўлибди, дейди. Шунингдек, Амир Темур Ислом хукмига амал килувчиларни кўрса хам жуда мамнун бўлар эди. Бу нарса айникса Хурросон жанубидаги Бишравейх шахрига бўлган муносабатида яккол кўринади. Сохибкирон у шахарга якинлашганда уни йўл четида содда кийинган бир неча одам кутиб олади. Амир Темур улардан “Шахарнинг амири ким?”, деб сўрайди. Улар, амиримиз йўқ, ўзимиз кўлимиздан келганича Куръону суннатга амал килиб яшамокдамиз, дейишади. Бу гап Сохибкиронни кизиктириб колади-да, шахар билан якиндан танишишга карор килади. У ернинг Имоми Хусайн ибн Исҳок билан биргаликда хамма нарса билан якиндан танишиб чикади. Ахолининг барчаси ёшу кари, эркагу аёл илми бўлиб, ўкиш ёзишни биладиган, бўш вактини илмга сарфлайдиган бўлади. Хамма халол меҳнат билан машгул бўлади. Амир Темур уларга олтин берса, хурмат килганингиз учун раҳмат, аммо бу тиллоларга хожатимиз йўқ, ўзимиз ишлаб топганимиз етади, дейишади. Ахолининг раҳбари, имом Хусайн ибн Исҳок хам кўлига кетмон олиб дехкончилик киладиган бўлади. Унга Амир Темур бир от совга килса узр айтиб олмайди, от мина олмайман, эшак миниб ўтганиб колганман дейди. Бу нарсалардан хурсанд бўлган Амир Темур шароит билан янада якинрок танишади. Сохибкирон бир дўкондорнинг аёл харидорга нарса тортиб берәётиб “Вой луллил мутаффифин”-“Торозудан уриб колувчиларга вой бўлсин” оятини ўкиганини эшитади. Аёл кетганидан кейин бориб дўкондордан,” ўзинг ўкиган оятнинг маъносини биласанми?”, деб сўрайди. У, биламан, деб, оят маъносини айтиб беради. Бир оз савол-жавобдан сўнг, дўкондор, торозу тортишда хиёнат килиб кўймай, деб хар кимга бир нарса тортганимда шу оятни ўки тураман, дейди. Шунингдек, Амир Темур бир атторнинг олдидан ўтиб кетаётиб унинг “Вазинуу бил кистосил мустакийм” яъни, “Ва адолат тарозуси или вазн ўлчанглар” оятини ўкиганини эшитиб колади ва ўша аттор билан хам юкоридаги ўхшаш сухбат ва савол-жавоблардан сўнг Амир Темурга кўпгина ўзини хурсанд киладиган нарсалар аён бўлади.

Бишравейҳда кулф ва каровул йўқ экан. Одамларни Исломга амал килиб яшаганлари учун бунга эхтиёж йўқ экан. Шунингдек, кози хам йўқ экан. Ёши улуг бўлиб колган Хусайн ибн Исҳок бирорвнинг сўкишганини ёки уришганини эслай олмаслигини айтади. Бу ерда оила бузилиши-талок хам, бирорвнинг хаккини тортиб олиш хам йўқ экан. Бу хакикатларни билиб Амир Темур нихоятда хурсанд бўлади. Куръон ва суннатга амал килиб яшаётган бу муҳлис мусулмон ахолини тақдирлашга карор килади. Амалдорларини тўплаб мажлис ўтказди.

Бишравейҳни “Дорул илми вал омон” деб элон килади. Мадомики, Темур хонадонига мансуб хокимлар бор экан бу шахардан хирож олинмайди, хеч ким, хеч кандай баҳона билан бу ерга хужум килмайди, деб фармон чикаради.

Мана шунинг ўзи хам Амир Темурнинг Исломга, Куръон ва суннатга амал килиб яшашни канчалик улуглашини кўрсатиб туради. Амир Темурнинг мазкур фармони ўша шахар ахолисининг Куръон ва суннатга амал килиб яшаётганларини муносиб тақдирлаш бўлиши билан бирга, бошка шахар ва кишлоклар ахолисини хам шундай яшашга тарғиб килиш хамдир.

Мазкур таҳлиллардан кўриниб турибдики, буюк ватандошимиз, улуг Мовароуннахр салтанатининг курувчиси, Сохибкирон Амир Темурни ўзи раҳматига олган бўлсин, Колганларни хидоят килсин. Омийн!

Муаллиф:

28.04.2010 00:34 - Янгиланди 22.11.2010 06:10

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф ([манба](#))